



Мамлакатимизнинг улуг байрамларидан бири юртимиз мустақилликка эришган кун ҳисобланади. Бу байрам халқимизнинг салкам 130 йил давомида истиқлол билан, ўз ҳақ-хуқуқларини қўлга киритиш билан, озодлик деб аталган бахтли кунларга эришиш билан bogʻliq армонлари, орзулари ушланган улуг кун сифатида нишонланади. Шунинг учун бу байрамнинг шукҳи, таровати бошқа улуг айёмларга нисбатан ўзгача кечади. Бу йил юртимизда Мустақиллик байрамининг 32 йиллиги муносабати билан “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” ишори остида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Табииyki, бундай улуг байрам арафасида мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий ҳаётида рўй берган янгиланишлар, ўзгаришлар сарҳисоб қилинади, қўлга киритилган ютуқлар, муваффақиятлар омиллари таҳлил этилади, келгусида қилинадиган ишларнинг режалари белгиланади. Шу маънода ушбу мақолада мамлакатимизда кейинги йилларда таълим, илм-фан соҳасида қандай ислохотлар амалга оширилгани, қандай ютуқлар қўлга ки-

ритилгани ва булар юртимиз ҳаётида қандай аҳамият касб этгани ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Ҳаётда, ҳар қандай замон ва маконда, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳамда бошқа соҳаларда ривожланиш, тараққиёт аъмоллари бевосита маърифат, таълим, илм-фан тамаддуни, янги илмий ихтиролар, кашфиётлар, яратувчилик ва бунёдкорликлар орқали юзага келади. Бошқача айтганда, маърифатсиз, илм-фан ютуқларисиз

дунё тамаддунини ҳам, башарият камолотини ҳам, ҳаёт тараққиётини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Бу жараён ер юзида ҳаёт пайдо бўлиб, инсоният умргузаронлик қила бошлагандан бери давом этиб келмоқда. XI асрда яшаб ўтган улуг мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб илм-фаннинг инсоният ҳаётидаги улуглигини эътироф этиб, шундай ёзган эди:

Билимни буюк бил, ақл-идрокни йўл, Улугдир икковин тутта билган қўл.

Идрок қайда бўлса, улуглик шунда, Билим кимда бўлса, буюклик унда, Олимлар – ҳақиқат қаддин суянчи, Илму урфон карвони, элнинг таянчи.

Дарҳақиқат, қаерда илм-фан қадрланса, билимга, илмий тафаккурга йўл очиб берилса, мамлакат юксак тараққиётга эришади, халқ яхши ҳаёт кечиради, юрт обод бўлади. Аждодларимиз буни яхши билганлар ва илм-маърифатни доимо улуғлаганлар. Эътибор беринг, IX-XII асрларда юзага келган Шарқ Ренессанси — илк Уйғонish дав-

рининг асосида ҳам ўрта осиелик, хусусан, ўзбекистонлик аллома-ларнинг маърифат, илм-фан, билим соҳасидаги улуг кашфиётлари ётади. IX асрда Бағдодда вужудга келган Маъмун академиясини юртимиз алломалари бошқарганлар. XI асрнинг бошларида Гурганжда фаолият юритган Маъмун академияси жаҳон илм-фанида янги юксалиш босқичини бошлаб берди. XI аср охири, XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар давлатини бошқарган Ануштегинлар илм-маърифатни юксалтириб, мамлакатнинг

ҳар жиҳатдан равнақ топишига йўл очиб берганлар. XV асрнинг иккинчи ярмидан кейин давлат тепасига келган Темурийлар Шарқда илм-фан соҳасида иккинчи Уйғонish даврини бошлаб берганлар ва қудратли империяга асос солганлар. Мамлакатни обод қилганлар ва адолатли давлатга айлантирганлар. XVI асрда тарих саҳнасида пайдо бўлган Бобурийлар салтанати ҳам илм-фан, маданият, маънавиятга эътиборни кучайтирганлар, маърифатни улуғлаганлар.

Мустақиллик — ёшлар нигоҳида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида “Мустақиллик – ёшлар нигоҳида” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда қуйи палата депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. Шу кунларда кўп миллатли халқимиз Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик сана-сини кўтаринки руҳ билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Барча ютуқларимиз омили, куч-ғайрат, гурур ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётган Ватанимиз мустақиллигининг мазкур шонли санасини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида жорий йил 27 июль куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Инсон қадри улуғланаётган юрт

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош гояни ўзида мўжассам этган таъкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури тасдиқланди. Бу йил Ўзбекистон мустақиллик йўлини танлаганига 32 йил тўлиши билан тарих зарварақларига муҳрланади. Шундай дориламон кунларда яшаётганимизга шукроналар айтиш, мустақил-ликнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугунги сонда

Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойида ким устувор: ҲАЙДОВЧИМИ ЁКИ ПИЁДА?

Ушбу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали юртдошларимиз ўртасида махсус сўров ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, аксарият ватандошларимиз тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида транспорт воситаларининг ҳайдовчилари пиёдаларга менсимаслик билан қараётганини таъкидлаб, устуворлик, албатта, пиёдалар томонига бўлиши лозимлигини маълум қилишди. Бу борада хорижий тажрибага мурожаат қилсак, ривожланган мамлакатларнинг аксарият тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида пиёдаларга тўлиқ устуворлик берилганини, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари уларни ўтказиб юборишга мажбурлиги қатъий белгилаб қўйилганини кўрамыз.

КИТОБ — ТУБСИЗ УММОН

Бундан юз йиллар муқаддам машҳур файласуф ёзувчи Стефан Цвейг бугунги замон кишини ибрат бўладиган шундай сатрларни ёзиб қолдирган экан: «...Китоблар за-ламонни ўтиб кетди, эндиликда техника тилга кирмоқда, дея ташвиш чекадиганлар, грам-мафон, кино, радио сўз ва фикрни моҳирроқ ва қулайроқ ифодаловчи воситалар китобни сиқиб чиқармоқда ва ҳадемай китобнинг ма-даний-тарихий вазифаси ўтмиш ҳодисаси бўлиб қолади, дейдилар. Бундай қараш жуда тор ва чекланган қарашдир, бу – ноқис фикр-дир. Негаки, минг йил аввал китоб туфайли дунёда қанчалик яқин бўлсангиз, нигоҳингиз қаршида ҳаёт шу қадар теран намоён бўлади, чунки унинг мўъжизакор ёрдами ту-файли сизнинг нигоҳингиз сон-саноксиз одам-ларнинг ички нигоҳи билан бирлашиб кетади. Китобни севсангиз, оламни юз қатла тўлароқ ва теранроқ мушоҳада қиласиз ва олам қал-бига чуқурроқ кириб борасиз».

чон ва қаерда содир қилибди?.. Китоб дегани – қаримайдиган ва енгилмас, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган, энг маъзи бут, энг мазмун-дор ва турфа хил шаклдаги қудратдир, шундоқ бўлгач, китоб нега техникадан чўчисин? Ахир техника шу китобнинг ёрдамида мукамал-лашди ва тарқалади-ку! Фақат бизнинг шахсий ҳаётимизда эмас, ҳамма жойда китоб ҳар қан-дай билимнинг ибтидосидир. Бинобарин, сиз китобга қанчалик яқин бўлсангиз, нигоҳингиз қаршида ҳаёт шу қадар теран намоён бўлади, чунки унинг мўъжизакор ёрдами ту-файли сизнинг нигоҳингиз сон-саноксиз одам-ларнинг ички нигоҳи билан бирлашиб кетади. Китобни севсангиз, оламни юз қатла тўлароқ ва теранроқ мушоҳада қиласиз ва олам қал-бига чуқурроқ кириб борасиз».

